



1941 йилнинг октябри. Гитлернинг “Барбаросса” амалиёти барча фронтларда ҳаракатда. Германия армияси нафакат Белоруссия, Украина, балки Россия марказига — Москвага қараб олға силжиб бормокда. Бу даврда Совет ҳукумати хали ўзини тўлиқ тиклаб улгурмаган, Сталин ҳатто ўзининг Москвада қолиш-қолмаслиги ҳақида ўйлаётган, миллионлаб одам эвакуация қилинаётган, аҳоли қочмокда.

Шундай бир паллада — москвалик аёлларнинг пардозхона ва сартарошхоналарга навбатга туриши, немис аскарларини қарши олиш учун ўзларини чиройга солаётгани тарихий лавҳа сифатида қайд этилган. Бу тасвир, аввал қараганда ҳазил ва пасткашлик сифатида қабул қилинса-да, у қалтис психологияни, умумий ижтимоий руҳни, урушнинг аҳолидан қандай “умид ва қутилмага” олиб келаётганини кўрсатади.

Москва олдидаги фронт ва аҳоли руҳияти

1941 йил октябрида Москва Германия армияси учун асосий стратегик мақсадга айланган эди. “Тайфун амалиёти” деб аталган Москвага ҳужум, Вермахтнинг жаҳл билан ваҳшияналарча юриши билан бошланди.

Фашистлардан қочаётганлар орасида нафакат ҳарбийлар, балки партия хизматчилари, театр аҳли, адиблар, артистлар ва бошқалар ҳам бор эди. Айни вақтда, Москвадаги айрим одамлар ҳозирги ҳукуматнинг қийноқлари, очлик, репрессияларидан кўра, “немис тартиби” келади, яхши ҳаёт бўлади”, “немислар маданиятли, улар цивилизация олиб келади” деган ишончда эдилар.

Сартарошхонадаги навбат — мағлубият психологияси

Аёлларнинг сартарошхонага навбатга туриши, пардоз-андоз килиши, ўзини немисларга такдим этишга тайёргарлик кўриши — бу, аввало, икки асосий нарсани кўрсатади:

1. Совет тарғиботида ишончсизлик. Халк у пайтда хали Галабага ишонмас эди. Репрессия ва очлик инсонлардаги умидни синдирган эди.
2. Омон қолиш инстинкти. Одамлар ўлмаслик, зиндонга тушмаслик, «муносиб» кўриниш, ўзини сақлаб қолишни истаган. Баъзилар буни калбида ўзини сотиш эмас, балки “янги тартиб”га мослашиш сифатида кўрган бўлиши мумкин.

Масалага тарихи ва ижтимоий ёндашув

Совет ҳукуматида бундай ҳолатлар ҳақида овоза қилиш мумкин эмас эди. Аммо баъзи гувоҳлар ва таърихчилар ушбу воқеаларни шундай тилга олишади:

- Совет ёзувчиси Константин Симонов ёзади:

“Москвада ҳар кимга ҳар хил таъсир қилган: кимдир фашистлардан қочган, кимдир уларни қутиб олган.”

- Рус тарихчиси Александр Берг (British-Russian historian) ўз хотираларида шундай ёзади:

“Ҳа, биз бунга гувоҳ бўлдик. Москва кўчаларида аёллар сартарошхона олдида. Улар аллақачон юракда таслим бўлган эдилар.”

Натижа ва хулоса:

Бу ҳолатни улуглаш ёки ҳақорат қилиш эмас, балки қийин шароитдаги инсон психологиясини тушуниш сифатида баҳолаш керак. Урушнинг биринчи ойларида СССР аҳолиси, айниқса Москвадаги жамият, нафакат тан жисми, балки рухий-маънавий жиҳатдан ҳам етарлича тайёр эмас эди. Улар нафакат душманга қарши, балки ўз ичкарасидаги кўркув, етишмовчилик ва истибдодга қарши ҳам курашар эдилар.

Манбалар:

- «A People's Tragedy», Orlando Figes
- «Russia at War 1941–1945», Alexander Werth
- Совет ёзувчилари хотиралари: Симонов, Гроссман, Шаламов
- Архив документлари (GARF, Россия Давлат архиви)

Бу руслар пойтахтидаги аёллар ахврили эди. Қуйида эса шундай вазиятда мусулмон аёллари нима қилоган ҳақида ўқишларинг мумкин:

энди бу воқеани мана бу билан қиёс қилинг:

Покдомон аёллар (Арабчадан Абу Жаъфар ал-Бухорий таржимасидан)

Жазоирда озодлик ҳаракати бошланган пайтларда Француз армиясида хизмат килган аскарлардан бири ўзининг хотираларида куйидагиларни ёзади:

– Биз тозалаш амалиётларини олиб бориш илнжида, Жазоирнинг кишлок ва тогли минтакаларида мужохидларни кидирар эдик. Бизни кўрган кишлок аёллари яшин тезлигида молхона ва кўралар томон кочишар ва таналарига тезак ва хайвон чикиндиларини суриб, келаётган сассик хид туфайли бизнинг тажовуз килишимиздан сакланмокчи бўлишар эди. Хакикатан ҳам, келаётган сассик хидлар сабабли биз уларга якинлаша олмас эдик.

Модомики, дунёда яшар эканман бу ҳолат ҳеч ёдимдан чикмайди ва кўнглимда ўз номусларини саклаш учун тезакда чўмилган ўша покдомонлар учун ҳурматим бор.

Абу Муслим

(профессор, сиёсий таҳлилчи)